



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 40 (12.351)

Баҳоси эркин нарҳда

2013 йил — Обод турмуш йили

МАМЛАКАТИМИЗНИ ДЕМОКРАТИК РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Обод турмуш тушунчаси азалдан, авваламбор, тинчлик-осойишталик, фаровонлик, қут-барақа деган маънони англатади. Истиқлол йилларида бу тушунчалар янада чуқур маъно-мазмун билан бойиб, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, биз учун энг азиз ҳамда муқаддас бўлган қадриятларни асраб-авайлашни ҳам ўзида мужжасам этмоқда.

2013 йил 14 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Обод турмуш йили» Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.

Давлат дастурининг биринчи бўлимида мамлакатимизда барқарорлик ва осойишталик, хавфсизлик, фуқаролар ва миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жамият фаровонлигини изчил юксалтириш устувор вазифалар сифатида қайд этилган. Уларни амалга ошириш учун миллий қонунчилигимизни янада такомиллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган.

Бу борада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш, фуқаролик институтларини янада ривожлантириш, давлат ва жамият ишларини бошқаришда фуқароларнинг иштирокига доир конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш, оила институтини мустаҳкамлаш, мамлакатимизда бутун жамият ишига айланиши лозим бўлган экологик аҳолини янада яхшилашга қаратилган саккизта қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш назарда тутилган.

Давлат дастурини амалга ошириш доирасида қабул қилиниши режалаштирилган аксарият қонунлар лойиҳалари Президентимиз Ислам Каримов томонидан Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган.

Янги тахрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» ва «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида» ҳамда «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳалари шулар жумласидандир.

Халқимизга хос яшаш тарзи — маҳалла каби фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб тизимини мустаҳкамлаш, ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга мамлакатимизда истиқлол йилларида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Халқимиз маънавиятини, унинг миллий ўзлигини англаш туйғусини юксалтириш, ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, жамиятимиз олдида турган ижтимоий-иқтисодий вазифаларни амалга оширишда маҳалланинг роли ҳамда ўрни беқиёсдир.

Давлат дастурида кўзда тутилган янги тахрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, маҳаллани аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тизимида унинг функцияларини янада кенгайтиришга қаратилган.

(Давоми 3-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Таълим

ИЛҒОР ТАЖРИБА — КЕЛАЖАККА ҚАДАМ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазириликлари, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамкорлигида «Педагогик грантлар: илғор тажриба — келажакка қадам» мавзuida республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.

Видеомулоқот тарзида ташкил этилган анжуманда педагоглар, жамоат ташкилотлари, олий ўқув юртлири, коллежлар, лицейлар, мактаблар раҳбарлари, ўқитувчилар ва педагогик дастурнинг аввалги йиллардаги ғолиблари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири Б.Ҳодиев, Тошкент Тўқимачилик ва энгил саноат институти проректори Х.Комиллов, «Янги авлод форуми» болалар ижодиёти маркази раҳбари М.Раҳматуллаева ва бошқалар Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ёшларга замонавий билим бериш, уларни баркамол авлод этиб вояга етказишга хизмат қилаётганини таъкидлашди. Бу борада «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ҳам қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Жамғарма ва ҳамкор ташкилотлар томонидан ўтказиб келинаётган «Таълим ва карьер

ера» халқаро маърифий кўргазмаси, «Келажак овози», «Еш олимлар инновацион лойиҳалари» республика кўрик танловлари, ахборот-коммуникация технологиялари, дизайнлик йўналишидаги медиамактаблар, иқтидорли талабалар учун грантлар ҳамда таълим грантлари дастурлари ёшларнинг билим олишга иштиёқи ва изланиши тобора ошиб боришига имкон яратмоқда.

2006 йилдан бери ўтказиб келинаётган «Педагогик грантлар дастури» лойиҳаси илғор, ташаббускор, иқтидорли ва изланувчан педагогларни аниқлаш, уларнинг ғояларини ҳаётга татбиқ этиш имконини бермоқда. 2006 йилда мазкур лойиҳада 121 нафар ўқитувчи иштирок этган бўлса, 2012 йили уларнинг сафи 1530 нафардан ошиб кетди. Ўтган олти йил мобайнида ҳаммаси бўлиб номзодлардан 6632 та ариза қабул қилиниб, шундан 347 нафари ғолиб бўлган. Тақдим этилган грантларнинг қиймати 2012 йилни ҳисобга олганда, 212,4 миллион сўми ташкил этди.

Бу маблағлар ўқитувчиларга очик дарслар ўтказиш, ўқитишнинг интерфаол услубларидан кенг фойдаланиш, маърифий тадбирлар ташкил этиш, изланишлар олиб бориш, амалий қўлланмалар яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Анжуман чоғида вилоятлар билан тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатилди, унда иштирокчилар ўзаро фикр алмашишди, саволлар йўллашди, мунозаралар ўтказилиб таклифлар киритилди.

Анжуман сўнгида таълим тизимида инновацион технологияларни ривожлантириш, электрон таълим, педагогларнинг илмий инновацион ғояларини маърифий жараёнга татбиқ этишга яқиндан кўмаклашишга оид масалалар муҳокама этилди, «Педагогик грантлар дастури-2012» лойиҳасининг 48 нафар ғолибига грантлар топширилди.

Гулчеҳра ДҲРДИЕВА СУРАТДА: «Педагогик грантлар дастури» лойиҳасининг ғолибларига грантлар топширилмоқда. Ислам Исмоилов олган сурат

қилмоқда. Қонунга мувофиқ, оилавий қорхоналар фаолиятида фойдаланиладиган турар жойларни нотурар жойларга ўтказиш талаб этилмайди, оилавий қорхона иштирокчилари томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин уларнинг фойдасига солиқ солинмайди.

Бундай тизимли ишлар оилавий тадбиркорликнинг ривожланиши учун зарур ташкилий-ҳуқуқий асосларнинг янада кучайишига, шу орқали янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилмоқда.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Савдо-саноат палатаси, Хотин-қизлар кўмитаси ва бошқа жамоат тузилмалари томонидан аҳолига миллий қонунчилигимиздаги шу каби афзалликлар, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар мазмун-моҳиятини етказишга қаратилган қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Давра суҳбатиде бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш ва кенгайтиришда Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш юзасидан амалий таклифлар билдирилди.

Назозат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Сирдарё вилоятида Ўзбекистон Республикаси Фермерлар Кенгаши ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижроси юзасидан кўргазмали семинар бўлиб ўтди.

● Фарғона вилояти Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ташаббуси билан ҳудуддаги 80 та оилага тикув машиналари ҳадя этилди. Ҳозир ана шу имкониятдан баҳраманд бўлганлар касаначилик асосида меҳнат қилиш ва тикувчилик фаолияти билан шуғулланишмоқда.

● Навоий индустриал-иқтисодий коллежида «Енги саноат таълими йўналишидаги ўқув-амалий машғулотларни инновацион технологиялар асосида ташкил этиш» мавзuida семинар бўлиб ўтди.

● Жиззах туманидаги Учтепа даҳасида куриб битказилган 12 хонадонли турар жойнинг қалитлари 29-Меҳрибонлик уйи битирувчиларига топширилди. Ушбу хайрли ташаббус Жиззах вилояти ҳокимлиги ҳамда вилоят прокуратураси саъй-ҳаракати билан амалга оширилди.

● Самарқанд темир йўл вокзалида Президентимизнинг 2012 йил 28 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервиге бўшатиш тўғрисида»ги Қарорига кўра, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлардан бир гуруҳи тантанали кутиб олинди.

ЖАҲОНДА

● Маълумки, 2012 йил 19 декабрда Жанурий Кореяда бўлиб ўтган президент сайловларида бошқарувчи «Сэнури» партиясидан номзоди кўрсатилган 60 ёшли Пак Кин Хе сайловчиларнинг 51,7 фоиз овозини олган ҳолда ғалаба қозонган эди. Кеча мамлакат пойтахти Сеул шаҳрида янги президентнинг инаугурация маросими бўлиб ўтди.

● Япониянинг бош ороли ҳисобланмиш Хонсю оролининг шимолида жойлашган Аомори музофотида рекорд даражадаги қалинликда қор ёғди. Ушбу ҳудуддаги курорт шаҳарчаларидан бирида ёққан қорнинг қалинлиги 550 сантиметрни ташкил этди. Бу мамлакатда метеорологик кузатувлар олиб борилаётган вақтдан буён энг юқори кўрсаткичдир.

● Мамлакатдаги энг йирик электр станцияларидан бирида юзага келган носозлик натижасида икки соатдан ортиқроқ вақт давомида Покистон ҳудудининг катта қисми электр қувватисиз қолди. Яъни, Белужистон музофотида жойлашган ХУВСО электр станциясидаги носозлик боис бутун Покистон бўйлаб нимстанцияларнинг издан чиқиши юзага келди.

● Жорий йилнинг биринчи мартдан бошлаб АҚШда бюджет харажатларини камайтириш мақсадида кескин чора-тадбирлар жорий этилмоқда. Бундай йўл орқали эса мамлакатда гўшт нархларининг ошиши ва аэропортларда катта навбатлар юзага келиши кутилмоқда.

ОИЛАВИЙ ҚОРХОНА — МУСТАҲКАМ ОИЛА АСОСИ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар, банк-молия муассасалари, жамоат ташкилотлари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, тадбиркорлар, фуқаролар йиғини раислари, журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик па-

латаси Спикерининг ўринбосари Б. Ёқубов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С. Рашидова, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т. Норбоева, Республика Савдо-саноат палатаси раиси А. Шайхов, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бошқаруви раиси ўринбосари Г. Алимова ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида оилавий бизнесни ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъминлашга устувор аҳамият қаратилаётганини таъкидлади.

«Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши оилавий қорхоналарни ривожлантириш ва уларнинг фаолияти учун қўлай шароит яратишга хизмат

раёнида ўқувчиларнинг фаоллиги ва зийраклигини шакллантириш» мавзuida тадбир ўтказилди.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Давлат

консерваториясида «Шарқ ва Фарб куйлари» мавзuida талабалар ижросида концерт уюштирилди.

✓ **ЭРТАГА** Тошкент Педиатрия-тиббиёт институтида «Саломатлик — бош мезон» деб номланган давра суҳбати бўлиб ўтади.

ҚИСҚА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** шаҳримиздаги 312-мактабда «Чет тилини ўрганиш жа-

ДЕПУТАТ: БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси ва Сенатнинг Кўмаклашувчи комиссиясига ёрдам берувчи Тошкент шаҳар ишчи гуруҳи томонидан «Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида сенаторлар ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларининг ҳудудий муаммоларни ҳал қилишдаги роли» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.



Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, сиёсий партиялар раҳбарлари, туман ҳокимлари, давлат ва нодавлат ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди.

Семинарни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши раиси, шаҳар ҳокими Р.Усманов кириш сўзи билан очди.

Семинар-тренинг ишида қатнашган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг ўринбосари, Сенатнинг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси раиси М.Ражабова Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир» номи маърузаси талабларидан келиб чиқадиган сенаторлар ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари вазифаларининг моҳияти ҳақида атрафлича тўхталиб ўтди.

Шунингдек, семинарда давлатимиз раҳбарининг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш» мавзусидаги маърузасидан келиб чиқадиган устувор йўналишлар муҳокама қилинди.

Мавзу бўйича атрафлича фикр алмашишлар, мунозаралар бўлди ҳамда таклиф ва истаklar билдирилди. Куйида ушбу семинар-тренинг иштирокчиларининг фикр-мулоҳазалари билан яқиндан таништирамиз.



Дамир СИДИКОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссиясининг масъул котиби, сенатор:

— Депутат сайловчилар олдида жавобгарликни ҳис этган ҳолда фаолият кўрсатиш кўникмасини ҳосил қилиши зарур, чунки унинг ўз сайловчилари олдида амалга оширган ишлари ҳақида йилида камиде икки мартаба ахборот бериши қонунда мустахкамлаб қўйилган.

Бугунги анжумандан фойдаланиб, Сенат комиссиясининг жойлардаги ишчи гуруҳлари фаолиятини янада кучайтириш зарурлигини инobatга олган ҳолда халқ депутатлари шаҳар Кенгаши раҳбарлари эътиборини шунга қаратмоқчимизки, ишчи гуруҳларининг аъзолари зиммаларига юклатилган вазифаларни ўз вақтида адо этишлари учун уларга етарли шарт-шароит яратиб бериш, бунинг учун эса ҳокимликларнинг ташкилий назорат гуруҳлари, Кенгашларнинг доимий комиссиялари раислари уларни маълумотлар билан таъминлаши зарур. Ишчи гуруҳи раҳбари бўлган ҳар бир сенатор халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва уларнинг доимий комиссиялари ўзларига юклатилган вазифаларни тўла-тўқис бажаришлари, ўз ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ долзарб ва муҳим масалалар депутатлар томонидан чуқур ўрганиб таҳлил қилинишига, айниқса «Обод турмуш йили» Давлат дастури туман ёки шаҳардаги давлат ёки нодавлат ташкилотлар томонидан ижро этилишига оид масалаларни йил давомида сессия ёки мажлисларида муҳокама қилиб, нуқсон-камчиликларни бартараф этишга ўз вақтида киришилишига эътибор бериши зарур.

Шунингдек, «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг ижроси депутатлар корпуси диққат марказида бўлиши лозим.

Хулоса сифатида айтиш жоизки, Сенат комиссияси ишчи гуруҳи ўз фаолиятини танқидий ўрганиб, уни янада кучайтиришга киришиши лозим. «Ишчи гуруҳларнинг фаолият тартиби»да белгиланган вазифаларни амалга ошириш баробарида, доимий равишда Кенгашлар ва уларнинг доимий комиссиялари фаолиятига оид ахборотнинг Сенат комиссиясига юборилишини таъминлайди. Ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилган ишлар охир-оқибатда Кенгашлар, доимий комиссиялар ва депутатларнинг бундан самарали фаолият кўрсатишига кўмаклашади.




Дилшод ШУМАРОВ,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати:

— Маълумки, сайловчиларимиз ўз муаммолари билан бирламчи тарзда ўз депутатларига мурожаат қилишади. Фуқароларнинг мурожаатлари асосида турли корхона ва ташкилотларга депутатлик сўровлари жўнатилади. Урни келганда шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, кўплаб идоралар бизнинг сўровларимизга жиддий ёндашиб, уни узиб-кесил хал қилишга ҳаракат қилишади. Шу билан бир қаторда депутатлик сўровномаларига талаб даражасида эътибор қаратмайдиган раҳбарлар ҳам йўқ эмас.

Шундан келиб чиққан ҳолда корхона ва ташкилотлар раҳбарлари орасида фуқаролар мурожаатлари асосида расмийлаштирилган депутатлик сўровномаларига алоҳида эътибор қаратиш тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилиши, лозим бўлса улар учун ушбу масала юзасидан семинар ўтказилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки депутат у ёки бу ташкилотга мурожаат этар экан, демек унинг ортда фуқаролар кутарган муаммо турибди. Уни тез ҳал этиш, агар вазият тақозо этса тезкорлик билан ҳамжиҳатликда бартараф этиш чораларини кўриш керак.

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги Қонунда белгиланган ўз ҳуқуқларимиздан фойдалана билишимиз лозим.



Нурилло НАСИМОВ,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, Ижтимоий-маданий масалалар бўйича доимий комиссия раиси:

— Депутатлик фаолиятимиз давомида жойлардаги аҳолини безовта қилаётган муаммоларни аниқлаш, муҳокама қилиш ва уларни муддатда бар-

ИНСОН, УНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ ҲАМДА МАНФААТЛАРИ – ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

тарф этиш ўз-ўзидан жойдаги тинчлик ва барқарорликни, миллатлараро тотувликни, осойишталикни таъминлашга пухта замин яратади.

Депутатлар томонидан жойларда ўтказилган учрашувлар, ўрганишлар ва таҳлиллар натижасида ўз ваколати доирасида муаммолар масалалар ҳал этиб келинмоқда. Энг муҳим ижтимоий-иқтисодий дастурлар ҳамда шаҳар Кенгашининг ҳаракат дастурига фуқаролар мурожаатлари асосида тегишли таклифлар киритилиб, уларнинг ижроси юзасидан тегишли ишлар олиб боришмоқда.

Ҳудудий муаммоларни аниқлаш, муҳокама қилиш ва ҳал этишнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Бугунги семинар бу каби долзарб масалаларга тўла ойдинлик киритди деб ҳисоблайман. Семинар иштирокчилари томонидан билдирилган қимматли фикрлардан келгусида амалда фойдаланишимиз лозим.



Алишер МАХМУДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг масъул ходими:

— Шунини алоҳида қайд этиш кераки, сўнгги йилларда Юртбошимизнинг ташаббуси билан мамлакат иқтисодий тараққиётининг муҳим шарти сифатида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бандлик, инвестиция ва бошқа давлат дастурларини ишлаб чиқишга ҳудудларнинг салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда ёндашилаётгани, ҳар бир ҳудуднинг ўз географик жойлашуви, иқтисодий жиҳатларини ҳисобга олиб, ривожланиш дастурлари ишлаб чиқилаётганининг боиси ҳам ана шунда. Албатта, ҳудудларнинг барқарор тараққиёт этиши, шубҳасиз, мамлакат тараққиётининг асосий омил ҳисобланади. Шу боис давлатимиз раҳбари ҳар бир вилоятда фаоллар йўналишидаги маърузаларида айнан маҳаллий вакиллик органлари вакиллари фаол, ташаббускор бўлишга ундаб, ҳудудларни ривожлантиришда уларнинг масъул эканлигини таъкидлаб келади.

Сўнгги йилларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари фаолиятида изчил ўсиш кузатилиб, улар Кенгаш ва доимий комиссиялар сессия ва мажлисларида ҳудудлар учун муҳим аҳамиятга эга масалаларни муҳокама этиш ва ҳал қилишда қонунчиликда белгиланган тартибда фаол иш олиб боришмоқда.

Аммо Сенатнинг Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси томонидан олиб бориладиган мониторинг ва ўрганиш натижалари шунини кўрсатдики, аксарият маҳаллий вакиллик органлари фаолиятига тааллуқли бўлган ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига тўқиб, ғов бўлган долзарб муаммолар ва масалалар мавжуддир.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Юртбошимизнинг йил яқунлари бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг йўналишидаги маърузаларида такрор-такрор қайд этилган ҳар бир ҳудуднинг хусусиятидан келиб чиқиб, у жойлардаги энг муҳим муаммоларга сенаторлар ва депутатлар ўз вақтида эътиборни қаратган ҳолда Кенгаш ёки доимий комиссия томонидан муҳокама қилиниб, масаланинг ечимини топишда бевосита иштирок этиши Обод турмуш йилида халқимиз фаровонлигини оширишга, турмуш тарзини янада яхшилашга беназир ҳисса қўшган бўлар эди. Бу эса ўз навбатида сенатор ёки депутат деган юксак мақомни оқлаш омил ҳисобланади.



Дониёр АЮПОВ,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлини масъул раҳбари:

— Ҳудудлар учун долзарб ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган масалалар, яъни ҳудудий муаммоларни халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши сессиясида муҳокама қилишда сиёсий партиялар депутатлик гуруҳларининг иштироки муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда сиёсий партиялар фаолиятига оид қонунчиликнинг тизимли тарзда такомиллашиб бориши натижасида сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва роли, ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишдаги иштироки, давлат ва маҳаллий даражадаги дастурлар ижросини таъминлашдаги фаоллиги юксалиб бормоқда.

Бу борада сиёсий партиялар ўз электоратини ташвишга солуви ижтимоий-иқтисодий масалаларни чуқур ўрганиб, уларни ҳал этиш бўйича чораларни ишлаб чиқиши ва ҳаётга татбиқ этиши керак бўлади.

Жойларда амалга оширилаётган ислохотларнинг ижтимоий самардорлигига тўқинлик қилаётган жиддий камчиликларни аниқлаб, улар устидан оқиб ва конструктив муҳокамалар ўтказиш керак. Ўзига юклатилган мажбуриятларни бажара олмаётган мутасаддилар ишини асосли таҳлил қилиш, партия дастури ва электорат манфаатларидан келиб чиқиб, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш бўйича чуқур ўйланган, муқобил, рақобатбардош лойиҳалар ва дастурлар ишлаб чиқиш, қонун ҳужжатлари ижроси бўйича эшитувлар олиб боришларини мақсадга мувофиқ деб ўйлайман.



Фазлитдин РАВШАНОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари:

— Аҳоли орасида демократик қадриятларни мустахкамлашда сиёсий партия вакиллари вакилликдан иборат депутатлик гуруҳи фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда депутатларнинг бир қатор йўналишларга алоҳида эътибор қаратишлари лозим.

Жумладан, олий таълим муассасалари битирувчиларини эгаллаган касби бўйича бандлигини таъминлаш масаласида муаммолар мавжуд. Бу борада ижтимоий шериклик ва ҳамкорлик муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишни пайти келди деб ўйлайман.

Бундан ташқари маҳаллий депутатлик гуруҳлари томонидан жойларда, айниқса маҳаллаларда аҳоли фаровонлиги йўлида қабул қилинган қонун ҳужжатларини кенг тарғиб қилиш лозимлигини мақсадга мувофиқ деб биламан.

Шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлаш йўлида ҳудудларда саноат салоҳиятини ошириш борасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мавқеини янада оширишимиз керак бўлади. Бу борада ишлаб чиқариш ва экспорт, маркетинг ва маҳсулотларни сотишга бағишланган ўқув машғулотлари, семинарлар ва кўргазмалар ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бир қаторда шаҳарда чиқиндиларни қайта ишлаш, коммунал соҳада таъмирлаш, соғлиқни сақлаш соҳаларига муҳим эътибор қаратиш, бозорларда савдо-сотик жараёнини терминаллаштириш борасида депутатлик гуруҳлари фаолиятини янада жонлантириш ва уни қонуний асосда ташкил этиш учун ўзимизнинг ҳиссамизни қўшишимиз керак.



Рустам ҚОСИМОВ,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, «Миллий Тикланиш» демократик партиясининг Тошкент шаҳар Кенгаши раиси:

— Бугунги билдирилаётган ўринли мулоҳазалардан хулоса чиқарган Ўзбекистон «Миллий тикланиш» Демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлик гуруҳи номидан фаолиятимизда ни хонлантириш мақсадида бир неча таклифларни ўртага ташлашимиз лозим деб биламан.

Биринчидан, сайловчиларнинг мурожаатларини электрон кўринишда қабул қилишни ривожлантириш, иккинчидан Кенгаш таркибидеги комиссиялар фаолиятини янада кенгроқ ёритиб боришимиз, муҳокама этилаётган масалаларни жамоатчиликка мунтазам,

мукамал етказиб туришни ўзимизнинг бурчимиз деб билишимиз керак.

Шу ўринда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳимиз фаолиятини янада кучайтиришда ҳам ушбу йил самарали йил бўлади деб тўла ишонч билан айта оламиз.



Равшан ФОЗИЛОВ,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, ЎзЛиДЕП депутатлари гуруҳи раиси:

Бугунги семинарда кўрилаётган масалалар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, мамлакатимизда демократик ислохотлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда маҳаллий Кенгашидаги депутатларнинг ўрни ва вазифаси, қолаверса масъулияти ошиб бораётганидан далolat беради.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашидаги депутатлар гуруҳи фаолиятини тубдан яхшилашга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Бу борада партиявий тавсиялар ва кўрсатмалар ишлаб чиқилиб, жойларга юборилмоқда.

Олиб бориладиган сай-ҳаракатларимиз натижасида депутатлар фаолиятида самарали ўзгаришлар кузатишмоқда. Жойлардаги муаммоларни ҳал қилишда партиядан сайланган доимий комиссия аъзолари депутатлик ва жамоатчилик назоратининг барча шакллари билан фойдаланишга асосий эътибор қаратиб келишмоқда.

Шу билан бир қаторда пойтахт иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кўламини янада ошириш, молиявий-иқтисодий жиҳатдан ночор аҳолига тушиб қолган корхоналарни соғломлаштириш билан боғлиқ ишларга кўмаклашиш учун етарли имкониятлар бўлсада, бу борада депутатлар гуруҳи томонидан олиб борилаётган ишларни талаб даражасида деб бўлмайди.

Бугун семинарда билдирилган таклифлар асосида биз келгусидаги ишларимизни амалга ошириш нуктаи назаридан қайта кўриб чиқишимизни лозим деб ҳисоблайман.



Учун ШАЙИМКУЛОВ,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши раиси:

— Ҳақиқатан ҳам, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини ҳал этишда маҳаллий Кенгаш депутатларининг иштироки жуда муҳим, айниқса сиёсий партия гуруҳлари бу борада ўзининг фаоллигини кўрсатиши лозим бўлади. Чунки, ўз электоратини манфаатларини ҳимоя қилар экан, уларни қийнаётган долзарб муаммоларни бартараф этиш, ечимини ижобий ҳал қилиш ҳар бир партияднинг устувор вазифаси ҳисобланади.

Бизнинг депутатлик гуруҳларимиз назорат фаолиятининг самардорлигини янада оширишга асосий эътиборини қаратган ҳолда, айрим муҳим масалалар бўйича мамлакатимиз Президентининг Фармонлари, Қонунлар, Сенат қарорлари ва тавсиялари, ҳуқуқат қарорларининг жойлардаги ижросини назорат қилиш ҳамда шу масала бўйича ҳудудларнинг аниқ ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ечиш каби вазифаларни ўзининг бош йўналиши деб ҳисоблайди ва қонун белгилла берган ваколатларга таяниб, уни ижро этишга ҳаракат қилади.

Шунингдек, гуруҳимиз партиянинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган амалий Ҳаракат дастурига мувофиқ, жорий йилнинг иккинчи чорагида Миробод, Мирзо Улуғбек, Ҳамза туманларида ижтимоий ва коммунал инфратузилма соҳасида фаолият юритувчи корхона ва ташкилотларнинг самарали ишлашини таъминлаш, уларнинг чорада эса Бектемир, Юнусобод ва «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида ҳудудий бандлик дастурларининг ижро этилиши ҳамда Юнусобод, Бектемир, Чилонзор туманларида аёллар ва ёш оналар саломатлигини тиклаш ва ижтимоий хавфли касалликлар профилактикаси борасида олиб борилаётган ишлар ҳолатини ўрганиш, олиб борилаётган ишлар юзасидан эса мониторинг ўтказишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Бундан ташқари бандлик дастурининг пойтахтимиздаги ижросига доир масалани шаҳар Кенгаши сессиясига олиб чиқиш ҳам бу йилги иш режамизда белгиланган.

Семинар-тренингда Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Ф.Зияев, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, Сенатнинг кўмаклашувчи комиссиясига ёрдам берувчи Тошкент шаҳар ишчи гуруҳи раҳбари, сенатор Ф.Абдурахимова ва бошқалар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, уларнинг шаҳар иқтисодиётида хизмат кўрсатиш улушини ошириш, саноат корхоналарини тиклаш, ночор корхоналарни соғломлаштириш, коллеж битирувчиларини ишга жойлаш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида янги иш ўринларини яратиш ҳамда кун тартибидеги бошқа долзарб масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Семинар якунида кун тартибидеги масала бўйича тавсиялар маъқулланди.

2013 йил — Обод турмуш йили

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу мақсадда лойиҳада фуқаролар йиғинларининг бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан ҳамкорликда кам таъминланган оилалар, ижтимоий ёрдамга муҳтож ёлғиз қариялар, пенсионер ҳамда ногиронларни аниқлаш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишни истаган шахсларни ўқитиш бўйича маслаҳат марказларини ташкил этишга доир ваколатларини кенгайтириш масалалари батафсил тартибга солинган.

«Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Унга бундай сайловлар тизимини янада такомиллаштириш ҳамда демократлаштиришга йўналтирилган қатор муҳим нормаларни киритиш тақлиф этилмоқда. Ҳужжатда фуқаролар йиғини раислари ҳамда маслаҳатчилари номзодини кўрсатиш ва сайлаш масалалари батафсил белгиланади.

Буларнинг барчаси, шубҳасиз, ҳаётимизда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ролини янада ошириш, фуқароларнинг сиёсий ҳамда ижтимоий фаоллигини юксалтириш, маҳалла ва умуман, мамлакатимизда рўй бераётган барча воқеаларга дахлдорлик туйғуси билан яшашга кўмаклашади.

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида давлатнинг айрим вазифалари, шу жумладан, назорат функциялари жамоат ҳамда нодавлат ташкилотларга босқичма-босқич берилмоқда.

«Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга хизмат қилади. Унда жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари ва субъектлари, предмети, шунингдек, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари, жамоатчилик назоратини амалга ошириш асослари, унинг субъектлари, давлат органлари мансабдор шахслари ва бошқа хизматчиларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари белгиланади.

Буларнинг барчаси давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қарорлар қабул қилишдаги иштирокини, давлат органлари вазифаларини ошқоралигини таъминлаш, белгиланган фаолиятнинг ижроси бўйича уларнинг масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг долзарб масалаларини ҳал қилиш, тегишли давлат дастурларини амалга ошириш мақсадида «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш кўзда тутилмоқда. Унда

фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик принциплари, шакллари ва йўналишлари, аҳоли бандлигини таъминлаш, соғлиқни сақлаш, илм-фан, таълим, ахборотлаштириш, спорт ва маданиятни, маънавий-ахлоқий тарбия ва ёшларга оид сиёсатни ривожлантириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ижтимоий турмуш шароитларини яхшилаш, аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларида фуқаролик жамияти институтларининг иштирок этиш механизмлари очиб бериллади.

Бундай янги ҳаёт шакли мамлакатимиз тараққиётини таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг масъулиятини янада оширади. Қонун лойиҳасида тақлиф этилаётган ижтимоий шерикликда тадбиркорлик субъектларининг иштирок этиш механизми бизнеснинг ижтимоий масъулиятини оширишга хизмат қилади. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши жойлар-

ўқиган ёшларнинг ишга жойлашишида қўшимча қарорлар яратиш, шунингдек, ҳодимларнинг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш мақсадида «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш белгиланган. Унда ишга жойлаштириш жараёнига тижорат ташкилотларини ҳам жалб этиш кўзда тутилмоқда. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши ҳодимлар ва иш берувчилар ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоялашга хизмат қилади.

Ўзбекистонда оила институтини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига оила институтини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинади. Айни пайтда ушбу ҳужжат Олий Мажлис Қонунчилик палатасида муҳокама этилмоқда.

Судларда ишлар ҳар томонлама кўриб чиқилиши ва бундай масалаларни ҳал этиш учун ҳуқуқий билим зарурлиги муҳим аҳамият касб этиши инobatга олинган ҳолда, фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатларини судларга бериш тақлиф этилмоқда.

Тақлиф этилаётган янгилик болалар ва фарзандликка олувчилар ҳуқуқларини судга ҳимоя қилиш, фарзандликка олиш сир сақлашига риоя этиш ва ушбу соҳадаги қонунчилик бузилишларининг олдини олишга хизмат қилади.

Айни пайтда экология муаммолари глобал ҳужусият касб этмоқда. Мамлакатимизда бундай масалалар давлат даражасида ҳал қилинмоқда. Бу борада «Экологик назорат тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши муҳим қадам бўлади. Ушбу ҳужжат экологик назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш, шунингдек, табиатни муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан назоратнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш соҳасида жамоатчилик муносабатларини тартибга солади. Қонунда экологик назоратнинг 4 тури – давлат, идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоат экологик назорати белгиланган. Бунда илк бор нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини жамоатчилик экологик назоратининг субъектлари сифатида белгилаш тақлиф этилмоқда.

Мухтасар айтганда, «Обод турмуш йили» Давлат дастурида кўзда тутилган миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш Президентимиз раҳнамолигида барча соҳаларда инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилаётган кенг қўламли илохотларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилади.

(ЎЗА)

МАМЛАКАТИМИЗНИ ДЕМОКРАТИК РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

да ва умуман, бутун мамлакатимиз бўйлаб ривожланишга оид вазифаларни амалга ошириш учун жамият ресурсларини сафарбар этиш имконини беради. Уларнинг аниқ йўналтирилгани ва самарадорлигини, шунингдек, қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасида янги имкониятлар очади.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик қонунчилиги базаси шакллантирилган. Фуқароларнинг муҳожаат қилиш ҳуқуқлари тегишли қонун билан мустаҳкамланган бўлиб, мазкур ҳужжат ушбу муҳожаатларнинг давлат органлари томонидан кўриб чиқиш тартибини ҳам белгилайди. Шу билан бирга, айни пайтда юридик шахсларнинг муҳожаатлари тўғрисида алоҳида қонуннинг йўқлиги уларни кўриб чиқишда турли ёндашувларга сабаб бўлмоқда.

Бу борада Давлат дастурида кўзда тутилган «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муҳожаатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси долзарб аҳамият касб этади. Унда бундай муҳожаатлар, чунончи, юридик шахслар муҳожаатлари билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга салбий таъсир кўрсатаётган зиддиятларни бартараф этиш ҳамда ушбу соҳада тегишли жавобгарликни белгилашга алоҳида эътибор қаратилади.

Ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасаларини битирган ҳамда давлат грантлари асосида

марали фаолияти ва бадий-адабий кеналарни уюштириб борганили учун «Дўстлик» маданият уйи жамоасига Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан компьютер жамламаси совға қилинди.

Гулчеҳра САТТОР қизи
СУРАТДА: тадбирдан лавҳа
Козим Ўлмасов олган сурат

Айни кунларда шахримизнинг барча туманларида Обод турмуш йилига бағишланган турли мавзулардаги тадбирлар, учрашувлар ва давра сўхбатлари бўлиб ўтмоқда. Юнусобод туманидаги «Дўстлик» маданият уйида бўлиб ўтган тадбир ҳам «Обод юртининг бахтли болаларимиз!» деб номланди.

ОИЛАЛАР АҲИЛЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Турсунали Қўзиёв, каратэ бўйича жаҳон чемпиони Мария Ким, «Оқтепа», «Иттифок» ва «Дўстлик» маҳаллаларининг оқсоқоллари сўзга чиқиб, Обод турмуш йилида амалга оширилиши режалаштирилган ишлар, обод, фаровон ҳаётимизнинг бебаҳо неъмат эканлиги, инсонлар учун энг муҳим бўлган эзгуликлар ва яхшиликлар хусусида тўхталиб ўтдилар.

— Ушбу тадбирни ўтказишдан асосий мақсад, — дейди «Дўстлик» маданият уйи раҳбари Райхон Ишмухамедова, — оилалар тинчлигини, аҳиллигини янада мустаҳкамлаш, ёшларни миллий қадриятларимизни қадрлашга чорлаш, маҳаллалараро ҳамжихатликни тарғиб қилиш, намунали оила соҳиб-

ларининг бошқаларга ибратли томонларини кўрсатишдан иборатдир. Асосийси, жаннатмақом юртимизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаронинг обод ва фаровон ҳаётимизга бўлган меҳр-муҳаббатини, эҳтиром ва ҳурматини янада ошириш каби инсоний туйғулар қамраб олинган. Бундай тадбирлар нафақат ёшларни, балки ёши улуг кишиларимизни ҳам теран фикрлашга, Ватанимиз тинчлиги ва ободлигига ўз ҳиссасини қўшишга ундайди.

Тадбирда «Дўстлик» маданият уйида фаолият олиб бораётган жамоаларнинг ва «Чин-сен» фольклор гуруҳининг бадийи чиқишлари, «Ниҳол» мукофоти совриндорлари ижросидаги дилрабо куй ва кўшиқлари барчага манзур бўлди.

Тадбир давомида турли ташкилотлар билан ҳамкорликда са-



Биласизми?

САЛОМАТЛИК СИРЛАРИ

● Маккажўхори мойининг атеросклероз касаллигига даволиги қайд этилади. Бунинг учун беморлар ундан кунига 20-25 грамм миқдорда бир неча ой мобайнида истеъмол этишлари тавсия қилинади.

● Анъанавий табобат амалиётида жийда меваси ёки унинг дамламаси болаларда учрайдиган ич кетишга қарши безор даво ҳисобланади. Дамлама, шунингдек, нафас йўллари шамоллаганида ҳам тавсия қилинади. Бунинг учун бир ярим литр сувга мевадан 50 грамм солиниб, бир оз қайнатилди-да, бир соат мобайнида сақланади. Сузилган шарбатдан кунига овқатдан кейин 4 маҳал 2 ош қошиқдан ичилади.

● Жилонжийда мевалари кишига дармон бағишлайди, пешоб ҳайдайди, қон босимини пасайтиради, балғам кўчишига ёрдам беради, шамоллаш билан боғлиқ касалликларнинг енгили кечигишга воситачилик қилади.

● Замонавий тиббиёт амалиётида исмалоқни силла қуришида, бедармонлик ҳамда камқонлик-

да, шунингдек, парҳез овқат ва сервитамин неъмат сифатида истеъмол этиш тавсия этилади. Айни баҳор палласида, инсон организми витаминларга чанқоқ бўлган бир пайтда исмалоқнинг мурғак новда ва баргларида, ялпиз, отқулоқ, жағжағ, момоқаймоқ, йўнғиқча, лимонўт каби ўтлардан намуналар кўшган ҳолда кўклатли чўчара ва сомсалар тайёрлаб истеъмол этилиши жуда фойдали ҳисобланади.

● Урик мевалари юрак давоси ҳисобланади. Бу неъмат кишига дармон бағишлайди, камқонлик балосига учраганларда даво қилиб қилади. Урик мағизининг дамлама тайёрлаб ичиш хафақонга эм бўлади.

● Халқ табобатида зигир уруғидан тайёрланган қайнатма меъда яраси, гастрит, мурғак безларининг ялғиланиши, йўтал, ўпка сили (қайнатмани сутга қўшиб истеъмол қилинади) ва буйрак касалликларида тавсия қилинади.

● Кўк чой таркибида мавжуд бўлган катехинлар бевосита ичбу-

руф, паратиф ҳамда коккли бактерияларга таъсир этиб, қирон келтириши аниқланди. Чой таркибида мавжуд бўлувчи гитамин кислотаси асабини тинчлантирувчи омил бўлиб хизмат қилади. Чойдаги темир моддаси гемоглабинни кўпайтиради ҳамда қизил қон таначаларини шакллантиради, фтор элементни тишларни нурашдан сақлайди, йод эса ўз навабатида склероз касаллигининг олдини олади. Кўк чой қон босимини пасайтирувчи омиллардан ҳисобланади.

● Тарвуз шарбати ўт пуфағи, буйрак ва қовуқдаги майда тош ва кумларни нуратиш ва организмдан чиқариб ташлаш хусусиятига эга. Юрак ҳамда буйрак касалликлари билан оғриган беморларнинг бадани салқинганида тарвуз ижобий таъсир кўрсатади. Тарвуз шарбати жигар тўқималарини енгили сингидийган қандлар билан таъминлайди.

● Халқ табобатида кийикўтининг барг ва гуллари асосида тайёрланган дамламалар хафақон давоси ҳисобланади. Шунингдек, у томоқ оғриғи, меъда фаолиятининг бузилиши, кўнгил айниши, юрак санчиғи, дил бехалолатлигида таскин берувчи омил сифатида тавсия этилади.

Мамлакатимиздаги мавжуд қонун-қондаги кўра, хориж валютасини сотиш ва харид қилиш бўйича қатъий тартиб белгиланган. Шунга қарамай айрим фуқароларимиз биллиб-билмай тартибни бузишмоқда.

Қинғир иш — келтирар ташвиш СЎНГГИ ПУШАЙМОНДАН ФойДА ЙЎҚ

Натижада ноқонуний иш қилиб ўзларига ташвиш ортирмоқдалар. Бунга Бектемир туманида валютага оид жиноятларни аниқлаш ва бартараф этиш борасида олиб борилган тадбирлар натижаси мисол бўла олади. Қодир Жумаев (исм-фамилия ўзгартирилган) 6900 АҚШ долларини қонунга хилоф равишда сотаётганида қўлга тушди. У бир долларни 2890 сўмдан баҳолаб, жами 19.941000 сўмини санаб олди. Аммо унинг қўничи озаққа чўзилмади. Чет эл валютаси билан ноқонуний савдо-сотик қилганлиги учун Қодир Жумаевга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

— Аттанг, бундай бўлишини билмабман, — дейди афсусда у. Айтиш керакки, Қодир Жумаев мўмай даромад топиш мақсадида қонун талабларини бузган. У тартибга зид равишда кўп миқдорда валюта қимматликларини ўтказишда ифодаланган жиноятни содир этган. Оқибати эса хунук бўлди. Унинг қисмати бошқаларга ҳам сабоқ бўлса ажабмас.

Максуд ҒУЛОМОВ, Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛК Департаменти Бектемир туман бўлими катта сурштирувчиси

Экология

ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР ВА ЭКОЛОГИК БАҲҚАРОРЛИК

Ўзбекистон Экологик ҳаракатида демографик жараёнлар ва экологик баҳқарорлик масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Экоҳаракат депутатлар гуруҳи ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда депутатлар, олимлар, экологлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, Ўзбекистон Экологик ҳаракати марказий кенгаши ижроия қўмитаси раиси Б. Алихонов ва бошқалар табиат, жамият ва инсон ўртасидаги муносабатда мувозанатга амал қилиш баҳқарор ривожланишнинг муҳим омил эканини таъкидлади.

Сайёрамизда аҳоли сонининг тез суъратлар билан ўсиши бир қатор ижтимоий-экологик муаммоларни юзага келтирмоқда. Хусусан, атроф-муҳитга антропоген таъсир кучайиб бораётди, табиий ресурслардан фойдаланиш йилдан йилга ошмоқда, урбанизация жараёнига тезлашмоқда. Бунинг натижасида ер ости ва ер усти захиралари камаймоқда, экологик муҳит флорасининг қулатилётди. Сув ва озик-овқат маҳсулотларига эҳтиёж ортаётди.

Мамлакатимизда баҳқарор ривожланишга салбий таъсир этувчи муаммоларнинг олдини олиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ ҳўжалигида ресурсларни тежовчи технологиялардан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурида ҳам бу борада қатор вазифалар белгиланган ва уларни ҳаётга татбиқ этиш механизмлари ишлаб чиқилган.

Семинарда глобал ва минтақавий экологик муаммолар, сув ресурсларини демографик жараёнлар билан боғлиқ ҳолда бошқариш масалалари, экологик ҳавфсизликни таъминлашга оид мавзуларда маърузалар тингланди.

Б. ХИДИРОВА, ЎЗА муҳбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ҚОРХОНАСИ бошланғич баҳоси Босқичма-Босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этилади!

Савдога қўйидаги автотранспорт воситалари тақоран қўйилмоқда: Чиноз тумани СИБ томонидан 1. 1975 й. и/ч., «Уаз-469» русумли, д/р 12 F 1109. Бошланғич баҳоси – 1 712 303 сўм. Зангиота тумани СИБ томонидан 2. № 11/26-6992/6 - сонли ижро ҳўжжати асосан 1977 й. и/ч., «Ваз-21061» русумли, д/р 10 W 594 СА. Бошланғич баҳоси – 4 615 090 сўм. Зангиота тумани СИБда сақланмоқда. 3. № 10139 - сонли ижро ҳўжжати асосан 1981 й. и/ч., «Ваз-2106» русумли, д/р 11 О 9459. Бошланғич баҳоси – 3 452 220 сўм. «Кўктерек Матлубот Инвест» МЧЖда сақланмоқда. 4. № 228 - сонли ижро ҳўжжати асосан 1982 й. и/ч., «Ваз-21011» русумли, д/р 10 M 223 АА. Бошланғич баҳоси – 1 969 200 сўм. «Бурхон Савдо»да сақланмоқда. 5. № 10145 - сонли ижро ҳўжжати асосан 1999 й. и/ч., «Тиркама» русумли, д/р 4802 АУ. Бошланғич баҳоси – 27 844 759 сўм. 6. № 10145 - сонли ижро ҳўжжати асосан 1996 й. и/ч., «Renault Magnum AE420» русумли, д/р X 595 HUN. Бошланғич баҳоси – 25 719 941 сўм. 7. № 10145 - сонли ижро ҳўжжати асосан 1998 й. и/ч., «Schmitz» русумли, д/р 6998 XC. Бошланғич баҳоси – 34 681 950 сўм. 8. № 10145 - сонли ижро ҳўжжати асосан 2006 й. и/ч., «Мерседес Бенц» русумли, д/р А 918 DV. Бошланғич баҳоси – 112 109 878 сўм. 9. № 10145 - сонли ижро ҳўжжати асосан 1999 й. и/ч., «Тиркама» русумли, д/р 4804 АУ. Бошланғич баҳоси – 27 844 759 сўм. «Арқулоқ» ТИФ божхона постида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 14 март куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Миробод тумани СИБ томонидан 10. 08.02.2013 й. № 4882/6 - сонли ижро ҳўжжати асосан 2009 й. и/ч., «Нексия Донс 1.6» русумли, д/р 10 В 127 GA. Бошланғич баҳоси – 21 773 694 сўм. Транспорт ИИБ ҳўжалик бўлимида сақланмоқда. 11. 03.12.2012 й. № 38967/10 - сонли ижро ҳўжжати асосан 2009 й. и/ч., «Нексия» русумли, д/р 01 V 530 ВА. Бошланғич баҳоси – 26 500 000 сўм. Себзор-62 жарима майдончасида сақланмоқда. 12. 18.01.2013 й. № 973/10 - сонли ижро ҳўжжати асосан 2010 й. и/ч., «Нексия» русумли, д/р 01 J 981 FA. Бошланғич баҳоси – 26 500 000 сўм. 13. 08.02.2013 й. № 4883/6 - сонли ижро ҳўжжати асосан 2011 й. и/ч., «Матиз» русумли, д/р 01 W 019 HA. Бошланғич баҳоси – 17 500 000 сўм. 14. 28.01.2013 й. № 1924/10 - сонли ижро ҳўжжати асосан 2009 й. и/ч., «Матиз» русумли, д/р 01 Y 418 DA. Бошланғич баҳоси – 14 914 600 сўм. 15. 08.02.2013 й. № 4885/6 - сонли ижро ҳўжжати асосан 2004 й. и/ч., «Нексия Сонс» русумли, д/р 01 Y 728 EA. Бошланғич баҳоси – 21 918 120 сўм. 16. 08.02.2013 й. № 4884/6 - сонли ижро ҳўжжати асосан 2009 й. и/ч., «Матиз» русумли, д/р 01 Z 408 DA. Бошланғич баҳоси – 18 703 935 сўм. 17. 19.11.2012 й. № 36687/10 - сонли ижро ҳўжжати асосан 1973 й. и/ч., «ГБА СПГ Ваз 2101» русумли, д/р 11 W 7590. Бошланғич баҳоси – 1 672 000 сўм. 18. 18.01.2013 й. № 981/10 - сонли ижро ҳўжжати асосан 1997 й. и/ч., «Тик» русумли, д/р 30 Y 2373. Бошланғич баҳоси – 8 494 600 сўм. 19. 03.12.2012 й. № 38966/6 - сонли ижро ҳўжжати асосан 1976 й. и/ч., «Ваз 2103» русумли, д/р 01 N 549 EA. Бошланғич баҳоси – 977 240 сўм. 20. 17.12.2012 й. № 39994/6 - сонли ижро ҳўжжати асосан 1983 й. и/ч., «Ваз 2106» русумли, д/р 30 F 4833. Бошланғич баҳоси – 4 671 052 сўм. Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот Марказида сақланмоқда. 21. 17.12.2012 й. № 39945/6 - сонли ижро ҳўжжати асосан 1986 й. и/ч., «Ваз 2106» русумли, д/р 01 А 648 JA. Бошланғич баҳоси – 4 659 000 сўм. Тошкент транспорт ИИБ РЕМда сақланмоқда. 22. 17.12.2012 й. № 39946/6 - сонли ижро ҳўжжати асосан 1995 й. и/ч., «Газ 31029» русумли, д/р 10 S 056 BA. Бошланғич баҳоси – 2 648 452 сўм. Ўзбекистон Республикаси МХХ Тошкент вилоят бошқармасида сақланмоқда. 23. Зангиота тумани СИБ томонидан № 10235/10 - сонли ижро ҳўжжати асосан 2009 й. и/ч., «Дамас GM UZ» русумли, д/р 10 767 AAA. Бошланғич баҳоси – 6 292 000 сўм. Тошкент шаҳри, Юқори Дархон қўчаси, 29-уй. Аукцион савдоси 2013 йил 29 март куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридеги автотранспорт воситалари 2013 йил 29 март куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситаларини сотиш озақидан тақорид савдо қилиш 15 апрель куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қилишимиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш куллари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхта-тилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ҚОРХОНАСИнинг АТИБ «Ипотек» банк Шайхонтоҳур филиалидаги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000104887305002, МФО: 00425, ИНН: 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Тел.: 577-22-12.

Тошкент Давлат Ирригация ва мелиорация институти томонидан 2003 йил 21 июлда Маматалиев Жўрабек Мамарасулович номига берилган 53775 рўйхат рақамли BNе 107548 сонли бакалар дипломии йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ


Буни пойтахтимиздаги «Күшбеги» болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мисолида ҳам кўриш мумкин. Пойтахтимизнинг Яққасарой туманидаги бу мактаб фойдаланишга топширилган дастлабки йилда унга қатновчилар кўп эмасди. Шароитлар яхшилангач, спорт сирларини ўрганишга иштиёқманд ёшлар сафи ҳам кескин кенгайди. Бугун футбол, волейбол, баскетбол, кикбоксинг, универсал жанг, тэквондо, муайтай, баддий гимнастика секцияларида 600 нафардан зиёд ўғил-қиз спорт билан мунтазам шуғулланмоқда.

— Хар куни ишга келаётганимда мени бир гуруҳ болалар кутиб олади, — дейди «Күшбеги» болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Равшан Ғофуров. — Уларнинг кўзларида спортга иштиёқни, ўзига бўлган ишончни кўриб, ҳавасим келади. Бизнинг болалигимизда бугунгидай кенг имкониятлар йўқ эди. Оддий бокс қўлқопи ҳам четдан келтирилар, шунинг учун қиммат ва камбў эди. Дўстларимиз билан битта қўлқопни галма-галдан кийиб, машқ қилардик. Бугун эса болалар машғулотларда 70 турдан зиёд спорт жиҳозлари ва инвентарларидан фойдаланади.

...Мактаб ҳовлисидаги сунъий қопламали футбол майдони эртаю кеч болалар билан гавжум. Ёш футболчиларнинг «ошир», «теп», «гол» деб завқ-шавққа тўлиб ўйнаши ўтган-кетганининг ҳавасини келтиради. Бугун мактабнинг футбол секциясида юздан зиёд бола олти гуруҳда шуғулланмоқда. Футбол майдони, спорт зали, тиббиёт, ювенил ва кийиниш хоналари — ёшлар ихтиёрида. Хар бир бола ўз спорт формаси ва футбол тўлига эга. Бу ерга янги келган бола дастлаб тўғри югуриш, чигалёзди машқлари ва тўп билан ишлашни ўрганади. Сўнгра футбол техникаси ва тактикасига оид машғулотларга жалб қилинади.

— Футбол қоидалари, техникаси ва ўйин услубини пухта ўзлаштирган бола келажакда моҳир футболчи бўлиб етишади, — дейди футбол мураббийи Ахрор Рустамов. — Шогирдларим ўтган йили «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасининг шаҳар босқичида кўмуш медални қўлга киритди.

«Күшбеги» тарбияланувчилари бошқа спорт турларида ҳам ўзини кўрсатиб келмоқда. Мактабнинг кикбоксинг ва универсал жанг тўғрақлариға қатновчи болалардан кимга ҳавас қилишини сўрасангиз, «устозим Бахтиёр ака!» деган қатий жавобни оласиз. Чунки, яққасарош бўйича мураббий Бахтиёр Аъзамов кикбоксинг ва универсал жанг бўйича бир неча бор мамлакат ва халқаро чемпионатлар ғолиби бўлган.



Муҳаммад Амин (ЎЗА) олган суратлар

Спорт янгилликлари

СОҒЛОМ АҲЛОД МАКТАБИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида болалар спортини ривожлантиришга қаратилган доимий эътибор ўғил-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни жисмонан ва маънан соғлом тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Беш йилдан бери мураббийлик қилаётган Б.Аъзамов ҳозир қирқ нафардан зиёд болага устоз.

«Күшбеги» болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ташкил этилган бадий гимнастика тўғраги қизлар саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилаётди. Бугунги кунда ушбу секцияда 60 нафардан зиёд қиз Ирода Қодирова, Мақсуда Юсупова, Шахло Норкулова, Шарофат Жуматова каби тажрибали мураббиялардан нафис спорт сирларини ўрганмоқда.

Ўзларида бегуборлик балқиб турган жажжи қизалоқлар сокин мусиқа оҳангида нозик ҳаракатларни кунт билан бажармоқда. Кимдир аргамчида, кимдир булавада ўрганган машқларини қайта-қайта такрорлайди. Оналари уларнинг машғулотларини ҳавас билан томоша қилаётди.

— Қизим Фотима беш ойдан бери баддий гимнастикага қатнашади, — дейди яққасарой-

лик Қизлархон Одинаева. — Ўрганган машқларини уйда ҳам такрорлайди. Бу эса қизимнинг қоматини ростлаб, уни қатий кун тартибига ва тўғри овқатланишга ўргатмоқда.

— Бугун халққа ўрганган машқимни мураббиямга кўрсатдим, — дейди олти ёшли Рухсона Рихсибоева. — Устозим «агар шундай ишлашда давом этсанг, сени мусобақага олиб чиқаман, чемпион бўласан», деб мақтади. Энди янада кўп машқ қиламан ва албатта чемпион бўламан.

Ҳа, бугун болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ўғил-қизлар билан гавжумлиги, улар ҳар бир машғулоти катта қизиқиш ва ихлос билан бажараётгани мамлакатимиз ёшлари соғлом ҳаёт кечиришни — комиллик манзили талланганидан далолат. Бундай соғлом фарзандлари бор халқнинг бугунги ҳам, эртаси ҳам ойдиндир.

Байрам АЙТМУРОВОВ, ЎЗА мухбири

ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВЛАРИ

Маълумки, жорий йилда футбол бўйича ёшлар ҳамда ўсмирлар ўртасида навбатдаги жаҳон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтади.


Ёшлар ўртасида ҳам, ўсмирлар ўртасида ҳам уюштирилиши режалаштирилган жаҳон чемпионатларида Ўзбекистон ёшлар, ўсмирлар терма жамоалари юртимиз шарафини ҳимоя қилишади. Шу боис ҳам Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси февралда БААнинг Дубай шаҳрида, ёшлар терма жамоаси Туркияда ўқув-йигини машғулотларида иштирок этишди. Машғулотлар доирасида бошқа жамоалар билан назорат-ўртоқлик учрашувлари уюштирилгани таҳсинга сазовор.

Дастлаб «Дубай Спорт Клуб» жамоаси билан куч синашган ўсмирлар терма жамоамиз мезбонларни йирик 5:0 ҳисобида мағлуб эттишди.

Шунингдек БАА ўсмирлар терма жамоаси билан Дилшод Нуралиев шогирдлари ўртасида иккита ўртоқлик учрашуви ўтказилди. Дастлабки баҳсда ҳамюртларимиз мезбонларни 1:0 ҳисобида мағлуб эттишган бўлса, такрорий баҳс 1:2 ҳисобида ўсмирларимизнинг мағлубияти билан якунланди.

Аҳмадхон Мусаев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоамиз эса Туркияда Булантин «Арсенал» клуби билан куч синашди. Мурасоҳис ва шиддатли курашлар остида кечган беллашув 2:1 ҳисобида тулалик чарм тўп усталарининг ғалабаси билан якунланди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

Ким ақл билан ютади, ким нақл билан.

Ўзининг аравасини тортолмаган бошқаларнинг кўмагидан умидвор бўлади.

Қилаётган ишингдан қониқмасанг, иштиёқинг сусаяди.

Касалнинг кўзи эшиқда бўлади.

Қаноатсиз киши ўзини хароб қилади.

Кераксиз ташвишни елкасига олган эрта чарчайди.

Нафсини тиёлмаган умрини қияди.

Ўзига ортиқча юк олган ўзини қийнайди.

Вақтдан ютган нақддан ҳам ютади.

Нодонлик ва худбинлик эгизак.

Катта ишларга чоғи келмаганлар майда ишларга жон-жаҳдлари билан киришадилар.

Инсоннинг кўп вақтини арзимаган ишлар олади.

Ишинг тушмагунча бировнинг қандайлигини билмайсан.

Ҳаёт машаққатларини ким елкаси, ким юраги билан кўтиради.

Киши қанча нодон бўлса, шунча иримчи бўлади.

Масъулият ҳиссида гап кўп.

Бахил аввало ўзининг душмани.

Муносабатлар доим бирдай турмайди.

Ҳеч нима қилмасанг ҳам кун ўтаверади.

Масъулиятсиз кишилар ўзларини ҳам, ўзгаларни ҳам қийнайди.

Миннатли яхшилик ёмонликдан баттар.

Худбинлик кишини ҳалокатга олиб боради.

Бировнинг ғами ортиқча юк.

Оқилонга фойдалана олсанг, вақт ҳамма нарсага етади.

Кўчада умр беҳуда ўтади.

Бировга оғирлигини туширишни истамаган киши энг ақлли киши.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Санъат

СИЗ ҚАНДАЙ МУСИҚА ТИНГЛАЯПСИЗ?

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида ўтказилган давра суҳбати айна шу мавзуга бағишланди.

Тадбирда университетнинг профессор-ўқитувчилари, талабалар, мусиқа ихлосмандлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди. Тадбир давомида мусиқанинг инсон руҳиятига таъсири, шунингдек, миллий ва замонавий мусиқанинг ёш авлод тарбиясида тугган ўрни, мусиқа жанрлари, ёшлар орасида урфга айланган мусиқа ва оҳанглар хусусида фикр алмашилди. Ташкилчилар жоизки тадбир ўзига хос баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтди.

Хар куни ишда, ўқишда ёки кўча-кўйда тинглайдиган қўшиқлар бизга нафақат эстетик завқ берувчи, балки ором бахш этувчи восита ҳамдир. Аммо қандай мусиқани таллаб эшитиш ҳамнинг ўз ихтиёрига боғлиқ. Тадбирдан қўзланган асосий мақсад йўқолиб бораётган миллий мусиқаларимиз ва муҳтоз кўларимизни оммалаштириш, бугунги кунда ёшлар тинглаётган мусиқаларнинг савиясига алоҳида эътибор қаратишдан иборат. Шу мақсадда тадбир давомида мусиқий чолғу асбоблари ёрдамида турли хил муҳтоз кўлар ва замонавий руҳга уйғунлашган қўшиқлардан намуналар ижро этилди. Ушбу кўй ва ашулаларнинг номи ҳамда ижросини топиб айтган талабалар тадбир ташкилчиларининг эсдалик совғаларига сазовор бўлишди. Тадбир йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ, ЎзДЖТУ талабаси

Халқ бойлигини асраб-авайлашда хар бир соҳа вакиллари каби «тилсиз ёв»ни жиловловчи ёнғин хавфсизлиги ходимларининг ҳам ўз ўрни бор.

«101»

ХАЛҚ БОЙЛИГИНИ АСРАШГА БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Ички ишлар бошқармаси ЕХБ 14-ХЕХК ходимлари ҳам ёнғинга қарши тарихот-ташвиқот ишларини мунтазам равишда олиб боришади. Хавфсизлик бўйича жойларда учрашувлар ўтказиб, аҳолини оголхика қоралайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, эҳтиётсизлик натижасида корхона, ташкилот, муассасаларда ёнғин чиқса, давлат ҳам, одамлар ҳам катта зарар кўради. Баъзи кишилар эса бир умрга ногирон бўлиб қолишмоқда. Ёнғинни келтириб чиқарувчи сабаблар кўп бўлиб, улардан асосийлари маст ҳолатда сизарета чекиш, носоз электр ва газ мосламаларидан фойдаланиш, болаларни назоратсиз қолдириб гугурт ўйнашларидир.

Статистик маълумотларга кўра, бу офатнинг юз беришининг 43 фоизи чекиш пайтида эҳтиётсизлик туфайли, электр, газ ускуналари носоюзлиги боис 27 фоизни, болаларнинг олов билан ўйнашлари оқибатида тахминан 12 фоизни ташкил қилади.

Шу сабабли, ёнғин ва бошқа турли бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида фуқаролар, корхона, ташкилот, муассасалар мутасаддилари хавфсизлик қоидаларига доимо риоя этишлари лозим.

Муроджон МИРЗОЛИМОВ, ЕХБ 14-ХЕХК кичик инспектори, сафдор Рустам ИСАЕВ, ЕХБ 14-ХЕХК инспектори, сержант

Гипертензия касаллиги (хафақон хасталиги) — артериал қон босимини 140/90 мм симоб устунидан юқори ошиши билан кечадиган сурунқали хасталик бўлиб, юрак-қон томир касалликлари ва уларнинг асоратлари пайдо бўлишига олиб келади.

кўз туби, периферик артериялар, буйрақлар киради.

Касалликнинг биринчи босқичларида нишон-аъзолардаги жароҳатларни бемор сезмайди ва клиник белгилари ривожланмаган бўлади, улар фақат инструментал текширувларда намоён бўлади — электрокардиография, қон таҳлили, юрак ва буйрақларнинг ультратовуш текшируви, кўз туби текшируви. Агар нишон-аъзо жароҳатларини бу босқичда даволаб олди олинмаса, кейинчалик кли-

ди), натижада қон томир тораяди, эластиклик хусусиятини йўқотади ва уларда атеросклероз ривожланиши кўчади.

Гипертензия касаллигини даволашни соғлом турмуш тарзи меъёрларига риоя қилмасдан тасаввур қилиб бўлмайди. Буларга: тамаки ва нос чекишдан воз кечиш; алкоголь микдорини ва тана вазнини камайтириш; жисмоний машғулотлар; ош тузи истеъмоллини (сутқада 5-6 граммгача) ва ҳайвон ёғи истеъмоллини камайтириш; калий ва мағнийга бой озуқалар истеъмоллини ошириш (сабзавот ва мевалар, ёғсиз сут махсулотлари, дуккакли ва дон махсулотлари) киради.

Касаллик белгилари пайдо бўлганда ва умуман, 30 ёшдан кейин қон босимини назорат қилиш тавсия этилади, бунда профилактик кўрикларни амалга ошириш лозимдир.

Гипертензия касаллигининг олдини олиш бўйича эслатмалар: Артериал қон босими ошишига гумон бўлганда дарҳол шифокорга мурожаат қилинг.

Соғлом турмуш тарзига риоя қилинг, қондаги қанд ва холестерин микдорини назорат қилиб туринг.

Артериал гипертензия сурунқали касаллик, уни қисқа муддатда даволаб бўлмайди. Шифокор тавсияларини бажаришни унутманг, белгиланган дори воситаларини ўз вақтида истеъмол қилинг.

Уй шароитида қон босимини ўлчаб, назорат қилиб туринг. Унутманг, артериал қон босими саатининг 140/90 мм симоб устунидан паст даражада эришиш юрак-қон томир касалликлари асоратларини (инфаркт, инсульт, буйрак хасталиклари), ногиронлик ва ўлим ҳодисаларини камайтиради.

Унутманг, артериал қон босими саатининг 140/90 мм симоб устунидан паст даражада эришиш юрак-қон томир касалликлари асоратларини (инфаркт, инсульт, буйрак хасталиклари), ногиронлик ва ўлим ҳодисаларини камайтиради.

Гулноза ХАМИДУЛЛАЕВА, тиббиёт фанлари доктори

Мутахассис маслаҳати

АСОРАТЛАР ЮЗАГА КЕЛИШИДАН САҚЛАНИНГ

ник кўринишда намоён бўлади, бу эса юрак-қон томир касалликлари ва унинг асоратларига олиб келади.

Яъни юқори қон босим юрак ишемик касаллиги ривожланишига омил бўлади. Юрак инфаркти, юрак етишмовчилиги каби ҳаёт учун хавфли ҳолатларни келтириб чиқаради.

Юқори қон босим бош миёнининг геморагик ва ишемик инсультларининг асосий сабабчиси ҳисобланади, хотира ва ақлий фаолиятни пасайтиради, инсульт асоратларида ногиронлик ва ўлим ҳодисаларини кўпайтиради.

Юқори қон босим таъсирида буйрак томирлари босими ошади, бу эса буйрак хасталиги ривожланишига ва буйрақлар етишмовчилигига олиб келади ва ўз навбатида қон босими турғун ошишига сабаб бўлади.

Юқори қон босим таъсирида кўз тубига қон қуйилиш асорати, кўриш нервининг шикастланиши ва кўриш қобилияти пасайиши юзага келади.

Юқори қон босим таъсирида қон томирларнинг мушак қисми гипертрофияланади (катталаша-



Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кучаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Наشري етказиб бериш масаллари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ХОКИМИЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 241

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 13549 нусхада босилди. Қўғоз Бичими А-2

Тошпириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга тошпирилди: 14.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Ақмал АКРОМОВ